

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

Ўзбекистон Республикасининг
Марказий банкида
2017 йил “10” ноябр да
83-1 рақам билан рўйхатга
олинган.



Марказий банк раисининг
уринобосари

Ш.Х.Атабаев

“ЎЗАГРОЭКСПОРТБАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ УСТАВИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

“Ўзагроэкспортбанк” АТБ
таъсисчиларининг 2017 йил 23
октябрдаги йиғилишида 3-сонли
баённома билан тасдиқланган.



Банк кенгаши раиси

Н.С.Отажонов

**“Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банкининг
2017 йил 30 июнда Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида
83-сон билан рўйхатга олинган Уставига киритилаётган
ўзгартиришлар матни**


1. Уставнинг 5.2.-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Банкнинг Устав капитали миқдори 35 394 700 000,00 (ўттиз беш миллиард уч юз тўқсон тўрт миллион етти юз минг) сўмни ташкил қилади ва ҳар бирининг номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 35 394 700 000,00 (ўттиз беш миллиард уч юз тўқсон тўрт миллион етти юз минг) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат”.

2. Уставнинг 6.5.-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

“Банк акцияларининг номинал қиймати 1 (бир) сўм”.

Банк кенгаши раиси



Н.С.Отажонов

“Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банки таъсисчилари
йиғилишининг
3-сонли
БАЁННОМАСИ

2017 йил 23 октябр

Тошкент шаҳри,
Амир Темур кўчаси, 79А уй

Йиғилишда катнашдилар:

- Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси - Ижрочи директори Ш.Вафаев (Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг устави асосида);
- “Ўзбекинвест” миллий экспорт-импорт суғурта компанияси - Молия директори Д.Алланазаров (“Ўзбекинвест” миллий экспорт-импорт суғурта компаниясининг 2017 йил 23 октябрдаги 01/564-сонли ишончномасига асосан);
- “Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК - Бошқаруви раиси Т.Жалилов (“Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК устави асосида);
- “Ўзагросуғурта” АЖ - Бошқаруви раиси С.Холхўжаев (“Ўзагросуғурта” АЖ устави асосида);
- “Кафолат СК” АЖ - Бошқаруви раиси С.Насретдинов (“Кафолат СК” АЖ устави асосида).

Таклиф этилганлар:

Ўзбекистон Республикаси
Бош вазири ўринбосари –
“Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ
Бошқаруви раиси

- Н.Отажонов;

Банк Бошқаруви раиси

- Н.Алимов.

Йиғилиш кворуми 100 фоиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари - “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ Бошқаруви раиси Н.Отажоновни таъсисчилар йиғилиши раиси этиб сайлаш таклиф этилди.

Овоз бериш натижалари:

Овоз беришда катнашган таъсисчилар ва уларнинг вакиллари сони 5 та – 100 улуш билан, тарафдорлар 5 та – 100 фоиз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

Овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб **қарор қилинди:**

Таъсисчилар йиғилиши раиси этиб Н.С.Отажонов сайлансин.

ЙИГИЛИШ КҮН ТАРТИБИ:

1. “Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банки банк Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисида.

2. “Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банки Таъсис шартномасига ўзгартириш киритиш тўғрисида.

3. “Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банки Уставига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.

Күн тартибидаги биринчи масала юзасидан Ш.Вафаев томонидан банк таъсисчиларига қуйидагилар маълум қилинди:

“Ўзагроэксспортбанк” АТБ таъсисчиларининг 2017 йил 7 февралдаги йиғилиши қарорига асосан банк Кенгаши таркиби тасдиқланган бўлиб, ўтган давр мобайнида банк таъсисчилари раҳбарияти ўзгарганлиги муносабати билан банк Кенгаши таркибига ўзгартиришлар киритилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги 689-сонли “Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банки моддий – техник базасини мустаҳкамлаш тўғрисида”ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари - “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ Бошқаруви раиси Н.С.Отажонов “Ўзагроэксспортбанк” АТБ банк Кенгаши раиси этиб тасдиқланган.

Шунингдек банк таъсисчилари раҳбариятида ўзгаришлар бўлган таъсисчилар томонидан “Ўзагроэксспортбанк” АТБ банк Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш юзасидан мурожаат қилинган.

“Ўзбекинвест” миллий экспорт-импорт суғурта компаниясининг 2017 йил 19 июндаги 01/359-сонли хатига асосан банк Кенгаши таркибига киритиш учун компаниянинг Бош директори ўринбосари Асатуллаев Алишер Лутфуллаевич номзоди, “Ўзбекизоқовкатхолдинг” ХКнинг 2017 йил 20 июлдаги АК/09-10-2436-сонли хатига кўра банк Кенгаши таркибига компаниянинг Бошқаруви раиси Жалилов Тохиржон Абдунабиевич номзоди ҳамда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 2017 йил 28 июлдаги ШВ-03/05-510-сонли хатига

асосан жамғарманинг ижрочи директори ўринбосари (бугунги кунда ижрочи директор) Ш.А.Вафаев номзоди ва “Ўзагросуғурта” АЖнинг 2017 йил 22 сентябрдаги 12-10/2217-сонли хатига асосан жамият Бошқаруви раиси Холхўжаев Саидқаххор Мухаммадкарим ўгли номзоди тақдим этилган (номзодларнинг маълумотномалари илова қилинади).

Юқоридагилардан келиб чиқиб “Ўзагроэкспортбанк” АТБ банк Кенгаши раиси ва аъзолари бўйича банк Кенгаши таркибига ўзгартириш қиритиш юзасидан таклифлар овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Овоз беришда қатнашган таъсисчилар ва уларнинг вакиллари сони 5 та – 100 улуш билан, тарафдорлар 5 та – 100 фоиз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

Кун тартибидаги масала банк таъсисчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш кун тартибидаги биринчи масала бўйича **қарор қилинди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 сентябрдаги 689-сонли “Ўзагроэкспортбанк” акциядорлик тижорат банки моддий – техник базасини мустаҳкамлаш тўғрисида”ги қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Ўзагроэкспортбанк” АТБ банк Кенгаши раиси У.У.Розукулов, банк Кенгаши раиси ўринбосари Р.А.Гулямов ва банк Кенгаши аъзолари Ф.А.Саидахмедов, О.Б.Рустамов ҳамда Ф.Ф.Каримовлар бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан уларнинг банк Кенгашидаги ваколатлари муддатидан олдин тугатилсин.

3. “Ўзагроэкспортбанк” АТБ банк Кенгаши раиси этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари -“Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ Бошқаруви раиси Н.С.Отажонов, банк Кенгаши раиси ўринбосари этиб Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори Ш.А.Вафаев ҳамда банк Кенгаши аъзолари этиб “Ўзбекинвест” миллий экспорт-импорт суғурта компанияси Бош директори ўринбосари Асатуллаев Алишер Лутфуллаевич, “Ўзбеккозиқовқатхолдинг” ХК Бошқаруви раиси Жалилов Тохиржон Абдунабиевич ва “Ўзагросуғурта” АЖ Бошқаруви раиси Холхўжаев Саидқаххор Мухаммадкаримовичлар тайинлансин (сайлансин).

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан Д.Алланазаров банк таъсисчиларига қуйидагиларни маълум қилди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 январдаги ПҚ-2740-сонли “Ўзагроэкспортбанк” акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига асосан “Ўзагроэкспортбанк” АТБ муассислари таркиби ва эквиваленти 10,0 миллион евродан иборат бошланғич устав капитали миқдори маъқулланиб, муассисларнинг бадаллари тўлов амалга оширилган кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича шаклланиши, шу жумладан Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва “Ўзбекинвест” миллий экспорт-импорт суғурта компанияси бадаллари АҚШ долларарида, қолган таъсисчилар миллий валютада киритилиши белгиланди.

Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йил 7 февралда банк таъсисчилари умумий йиғилиши ўтказилди ҳамда Таъсис шартномаси тасдиқланди.

Таъсис шартномасига асосан таъсисчилар томонидан банкнинг бошланғич устав капиталини шакллантириш учун ўтказилган пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида очилган махсус ҳисоб рақамга тўпланди.

Банкни рўйхатдан ўтказиш санасига ушбу ҳисоб рақамга банк таъсисчилари томонидан миллий валюта сўм эквивалентида жами 39 394 824 989,55 сўм, шу жумладан Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 8 028 651,83 АҚШ доллари (тўлов амалга оширилган кундаги курс бўйича 29 755 949 985,38 сўм), “Ўзбекинвест” миллий экспорт-импорт суғурта компанияси 1 059 280,04 АҚШ доллари (тўлов амалга оширилган кундаги курс бўйича 3 606 160 004,17 сўм), “Ўзбекозиковқатхолдинг” ХК 1 803 080 000,00 сўм, “Ўзагросуғурта” АЖ 2 207 141 500,00 сўм ҳамда “Кафолат СК” АЖ 2 022 493 500,00 сўм миқдорда таъсис бадаллари тўланган.

Таъсис бадалларининг тўлов амалга оширилган кундаги еврога нисбатан ўрнатилган миллий валюта курсида тўланганлиги натижасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 январдаги ПҚ-2740-сонли “Ўзагроэкспортбанк” акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига асосан таъсис улушларининг фоизда белгиланган миқдорларини ўзгаришига сабаб бўлди.

Хусусан, Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг улуши 0,53 фоизга, “Ўзагросуғурта” АЖ улуши 0,60 фоизга, “Кафолат СК” АЖ улуши 0,13 фоизга ошиб кетган бўлса, “Ўзбекинвест” МЭИС компанияси улуши 0,85 фоизга ҳамда “Ўзбекозиковқатхолдинг” ХК улуши 0,42 фоизга камайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 январдаги ПҚ-2740-сонли “Ўзагроэкспортбанк” акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорига асосан белгиланган банк таъсисчиларнинг бошланғич устав капиталдаги улушларини миқдорини сақлаб қолишни таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик

жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига асосан таъсис шартномасини расмийлаштириш талабларидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Адлия вазирлигида 2009 йил 8 октябрда 2014-сон билан рўйхатга олинган “Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 25-бандида белгиланган талаблардан келиб чиқиб куйидагилар таклиф этилди:

“Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банки таъсисчилари умумий йиғилишининг 2017 йил 7 февралдаги қарори билан тасдиқланган Таъсис шартномасига ўзгартиришлар киритиш.

Хусусан, Таъсис шартномасининг 9-бандини куйидаги тахрирда баён қилиш:

“9. “Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банки устав капитали миқдори 10 000 000 (ўн миллион) евро ҳисобидан таъсисчилар киритган улушларининг Марказий банк томонидан валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш учун эълон қилинган евро курсининг муассислар томонидан банк ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган (таъсис йиғилиши ўтказилган) кундаги курсидан келиб чиққан ҳолда 35 394 700 000,00 (ўттиз беш миллиард уч юз тўқсон тўрт миллион етти юз минг) сўмни ташкил қилади ва ҳар бирининг номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 35 394 700 000,00 (ўттиз беш миллиард уч юз тўқсон тўрт миллион етти юз минг) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

Банк акциялари таъсисчилар ўртасида куйидагича тақсимланади:

№	Таъсисчиларнинг номи	Акцияларнинг миқдори		Улуши (%)
		сони (дона)	қиймати (сўм)	
1	Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	26 546 025 000	26 546 025 000,00	75,0
2	“Ўзбекинвест” миллий экспорт-импорт суғурта компанияси	3 539 470 000	3 539 470 000,00	10,0
3	“Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК	1 769 735 000	1 769 735 000,00	5,0
4	“Ўзагросуғурта” АЖ	1 769 735 000	1 769 735 000,00	5,0
5	“Кафолат СК” АЖ	1 769 735 000	1 769 735 000,00	5,0
	Жами	35 394 700 000	35 394 700 000,00	100,0

Банк акциялари учун тўловлар пул маблағлари билан тўланади.”

Шунингдек банк таъсисчилари томонидан таъсис улуши сифатида ўтказиб берилган маблағларнинг бошланғич устав капиталдан ортган 4 000 124 989,55 (тўрт миллиард бир юз йигирма тўрт минг тўққиз юз саксон тўққиз сўм 55 тийин) сўм маблағлар, шу жумладан Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 3 209 924 985,38 сўм ёки 974257,45 АҚШ доллари, “Ўзбекинвест” миллий экспорт-импорт суғурта компанияси 66 690 004,17 сўм ёки 20241,36 АҚШ доллари “Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банки таъсисчилари умумий йиғилиши ўтказилган сана яъни 2017 йил 7 февралдаги курс бўйича, “Ўзбекозиқовкатхолдинг” ХК 33 345 000,00 сўм, “Ўзагросуғурта” АЖ 437 406 500,00 сўм ҳамда “Кафолат СК” АЖ 252 758 500,00 сўм таъсисчиларга қайтариш.

Юқоридагилардан келиб чиқиб кун тартибидаги масала бўйича таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Овоз беришда қатнашган таъсисчилар ва уларнинг вакиллари сони 5 та – 100 улуш билан, тарафдорлар 5 та – 100 фоиз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

Кун тартибидаги масала банк таъсисчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш кун тартибидаги иккинчи масала бўйича қарор қилинди:

1. “Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банки Таъсис шартномасига киритилаётган ўзгартиришлар 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Ўзагроэксспортбанк” АТБ таъсисчилари томонидан таъсис улуши сифатида ўтказиб берилган маблағларнинг бошланғич устав капиталдан ортган 4 000 124 989,55 (тўрт миллиард бир юз йигирма тўрт минг тўққиз юз саксон тўққиз сўм 55 тийин) сўм, шу жумладан Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига 3 209 924 985,38 сўм ёки 974257,45 АҚШ доллари, “Ўзбекинвест” миллий экспорт-импорт суғурта компаниясига 66 690 004,17 сўм ёки 20241,36 АҚШ доллари 2017 йил 7 февралда “Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банки таъсисчилари умумий йиғилиши ўтказилган санадаги курс бўйича, “Ўзбекозиқовкатхолдинг” ХКга 33 345 000,00 сўм, “Ўзагросуғурта” АЖга 437 406 500,00 сўм ҳамда “Кафолат СК” АЖга 252 758 500,00 сўм таъсисчиларга белгиланган тартибда қайтарилсин.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан Т.Жалилов банк таъсисчиларини “Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банки Уставига киритилаётган ўзгартиришлар билан таништирди.

Банкнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2017 йил 30 июнда 83-сон билан рўйхатга олинган Уставнинг 5.2.-бандига асосан Банкнинг Устав капитали миқдори 10 000 000 (ўн миллион) еврини ташкил қилади ва ҳар бирининг номинал қиймати 500 (беш юз) сўм бўлган 78 789 650 (Етмиш саккиз миллион етти юз саксон тўққиз минг олти юз эллик) дона эгасининг номи ёзилган оддий жойлаштирилган акциялардан иборат этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасига асосан жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланиши белгиланган.

Шу муносабат билан ҳамда банкнинг Таъсис шарномасига киритилган ўзгартиришлардан келиб чиқиб, Уставнинг 5.2.-бандида банкнинг устав капитали миқдорини 35 394 700 000,00 (ўттиз беш миллиард уч юз тўқсон тўрт миллион етти юз минг) сўм ва ҳар бирининг номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 35 394 700 000,00 (ўттиз беш миллиард уч юз тўқсон тўрт миллион етти юз минг) дона эгасининг номи ёзилган оддий жойлаштирилган акциялардан иборат этиб белгиланиши лозим.

Шунингдек банк Уставнинг 6.5.-бандида банк акцияларининг номинал қийматини 1 (бир) сўм белгилаш бўйича банк Уставига ўзгартириш киритиш таклиф этилди.

“Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банки Уставига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

Овоз беришда қатнашган таъсисчилар ва уларнинг вакиллари сони 5 та – 100 улуш билан, тарафдорлар 5 та – 100 фоиз, қаршилар ва бетарафлар йўқ.

Кун тартибидаги масала банк таъсисчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш кун тартибидаги учинчи масала бўйича **қарор қилинди:**

1. “Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банки Уставига киритилаётган ўзгартиришлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. “Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банки Бошқаруви зиммасига банкнинг Уставига киритилган ўзгартиришларни амалдаги қонун

хужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказиш вазифаси топширилсин.

Йиғилиш раиси

Н.С.Отажонов

Таъсисчилар:

Ўзбекистон Тикланиш ва тараккиёт жамғармаси

“Ўзбекинвест” миллий экспорт-импорт суғурта компанияси

“Ўзбекозиқовқатхолдинг” ЖК

“Ўзагросуғурта” АЖ

“Кафолат СК” АЖ


Ш.Вафаев

Д.Алланазаров

Ғ.Жалилов

С.Холхўжаев

Насретдинов

“Ўзагроэксспортбанк”
акциядорлик тижорат банки
таъсисчилари йиғилишининг
2017 йил 23 октябрдаги 3-сонли
баённомасига
1-илова

**“Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банкининг
таъсисчилари умумий йиғилишининг 2017 йил 7 февралдаги қарори
билан тасдиқланган Таъсис шартномасига киритилаётган
ўзгартиришлар матни**

1. Таъсис шартноманинг 9-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“9. “Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банки устав капитали миқдори 10 000 000 (ўн миллион) евро ҳисобидан таъсисчилар киритган улушларининг Марказий банк томонидан валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш учун эълон қилинган евро курсининг муассислар томонидан банк ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган (таъсис йиғилиши ўтказилган) кундаги курсидан келиб чиққан ҳолда 35 394 700 000,00 (ўттиз беш миллиард уч юз тўқсон тўрт миллион етти юз минг) сўмни ташкил қилади ва ҳар бирининг номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 35 394 700 000,00 (ўттиз беш миллиард уч юз тўқсон тўрт миллион етти юз минг) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

Банк акциялари таъсисчилар ўртасида қуйидагича тақсимланади:

№	Таъсисчиларнинг номи	Акцияларнинг миқдори		Улуши (%)
		сони (дона)	қиймати (сўм)	
1	Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	26 546 025 000	26 546 025 000,00	75,0
2	“Ўзбекинвест” миллий экспорт-импорт суғурта компанияси	3 539 470 000	3 539 470 000,00	10,0
3	“Ўзбекозиковқатхолдинг” ХК	1 769 735 000	1 769 735 000,00	5,0
4	“Ўзагросуғурта” АЖ	1 769 735 000	1 769 735 000,00	5,0
5	“Кафолат СК” АЖ	1 769 735 000	1 769 735 000,00	5,0
	Жами	35 394 700 000	35 394 700 000,00	100,0

Банк акциялари учун тўловлар пул маблағлари билан тўланади.”

“Ўзагроэксспортбанк”
акциядорлик тижорат банки
таъсисчилари йиғилишининг
2017 йил 23 октябрдаги
3-сонли баённомасига
2-илова

**“Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банкининг
2017 йил 30 июнда Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкида
83-сон билан рўйхатга олинган Уставига киритилаётган
ўзгартиришлар матни**

1. Уставнинг 5.2.-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Банкнинг Устав капитали миқдори 35 394 700 000,00 (ўттиз беш миллиард уч юз тўқсон тўрт миллион етти юз минг) сўмни ташкил қилади ва хар бирининг номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 35 394 700 000,00 (ўттиз беш миллиард уч юз тўқсон тўрт миллион етти юз минг) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат”.

2. Уставнинг 6.5.-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“Банк акцияларининг номинал қиймати 1 (бир) сўм”.

КАРОР ҚИЛАДИ

“Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банкининг Уставига
киритилган рўйхатдан ўзгартиришлар

О. Бутан

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ, КРЕДИТ БЮРОЛАРИ, ВАЛЮТА
БИРЖАСИ ФАОЛИЯТИНИ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР
БЛАНКАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ
ҲАМДА БАНКЛАР ВА КРЕДИТ БЮРОЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ
КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИНИНГ
219 / 4 – СОНЛИ БАЁНИДАН КЎЧИРМА**

2017 йил 10 ноябр

Тошкент шаҳри

К У Н Т А Р Т И Б И

“Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банкининг акцияларининг номинал қиймати 500 сўмдан 1 сўмга ўзгариши ҳамда банк устав капитали 35 394 700 000 сўм миқдорида белгиланиши муносабати билан банк Уставига киритилган ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисида

Кредит ташкилотлари, кредит бюролари, валюта биржаси фаолиятини ва қимматли қоғозлар бланкаларини ишлаб чиқаришни лицензиялаш ҳамда банклар ва кредит бюроларини рўйхатга олиш комиссияси “Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банки томонидан мазкур масала юзасидан тақдим этилган ҳужжатлар тўпламини ўрганиб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

2. “Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банкининг Уставига киритилган ўзгартиришлар рўйхатдан ўтказилсин.

**Кредит ташкилотлари фаолиятини
лицензиялаш ва тартибга солиш
департаменти директори**



О. Бутаев

«ЎЗАГРОЭКСПОРТБАНК»

АКЦИЯДОРЛИК
ТИЖОРАТ БАНКИ

Тошкент ш. А.Темур кўчаси, 79 А-уй
Тел.: +99871 225-28-05



UZAGROEXPORTBANK

«UZAGROEXPORTBANK»

THE JOINT-STOCK
COMMERCIAL-BANK

79 A, A.Temur str., Tashkent city
Tel.: +99871 225-28-05

«30» октябрь 2017 й. № 40-08/399

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки
раиснинг ўринбосари
Ш.Х.Атабаева

Хурматли Шухрат Халдарович !

Сизга 2017 йил 23 октябрда бўлиб ўтган “Ўзагроэкспортбанк” акциядорлик тижорат банки таъсисчилари йиғилишининг 3-сонли баённомасига асосан банк Уставига киритилган ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилмоқда.

Илова:


“Ўзагроэкспортбанк” акциядорлик тижорат банки таъсисчилари йиғилишининг 2017 йил 23 октябрдаги 3-сонли баённомаси уч нусхада.

“Ўзагроэкспортбанк” акциядорлик тижорат банкининг Уставига киритилган ўзгартиришлар матни уч нусхада.

Хурмат билан,

Банк Кенгаши раиси

Н.С.Отажонов



30.10.2017


Тилилган ва рақамланган

14 (ўч наҳар)

ВАРАҚЛАН ИБОРАТ

10 ноябрь 2017 йил

ИМЗО



Давлонхона
Chancellery

UZBEKISTON RESPUBLIC OF UZBEKISTAN
Chancellery